



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 27 » август

№ 521

Toshkent sh.

Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна қўрсатаётган ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон Фармонига мувофиқ ёш оилалар, хусусан, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун **муносиб уй-жой ва ижтимоий-маишӣ шароитларини яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш** белгиланганлиги;

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва топшириқлари билан 2018-2020 йиллар давомида мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида **2 116 та** уй-жойлардан:

350 таси фойдаланишга топширилганлиги;

296 таси ёшлар томонидан рад этилганлиги ва **556 тасининг** қурилиши бошланмаганлиги;

2019 йилда **558 та** ва 2020 йилда **356 та** уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилганлиги **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган ёш оила сифатида ҳисобга қўйилган ва тавсиянома берилган ёш оилалар учун 2019-2020 йилларда қурилган ёшлар уйлари рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу қарорга 1-иловага мувофиқ уй-жойни ипотека кредити асосида сотиб олиш учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг тавсияномаси (кейинги ўринларда –

тавсиянома) асосида 2020 йил учун ҳисобга қўйилган 356 нафар ёш оиласа уй-жой ажратишда уларнинг талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони билан тасдиқланган 2020 йилда “Ўзшаҳар қурилиш инвест ИК” МЧЖ ва “Қишлоқ қурилиш инвест ИК” МЧЖ иштирокида шаҳарларда ва қишлоқ жойларида кўп квартирали арzon уй-жойлар қуришнинг асосий параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. “Қишлоқ қурилиш инвест ИК” МЧЖ “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ билан биргалиқда Ислом тараққиёт банкининг кредит линиялари бўйича “Қишлоқ қурилиш инвест ИК” МЧЖ ҳисобрақамларида уй қурувчиларнинг дастлабки бадаллари ҳисобидан жамланган маблағларни уч кун муддатда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтиурсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг асосланган ҳисоб-китобига мувофиқ Ислом тараққиёт банкининг кредит линиялари бўйича “Қишлоқ қурилиш инвест ИК” МЧЖ ҳисобрақамларида уй қурувчиларнинг дастлабки бадаллари ҳисобидан жамланган маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига қайтарилиган қисми ҳисобидан:

2019 йилда ёшлар учун қурилган 558 та уйнинг дастлабки бадали учун 30,0 млрд сўм;

2020 йилда қуриладиган уй-жойлар учун 356 нафар ёш оиласа уй-жой қиймати дастлабки бадалининг 65 фоизигача бўлган қисмини молиялаштириш учун 11,6 млрд сўм маблағларни қўшилган қиймат солигини қўшган ҳолда ажратсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ёш оилаларга уй-жой қийматининг дастлабки бадали сифатида тўланган ссудани ва унга ҳисобланган фоизларни (кейинги ўринларда – ссуда ва фоизлар) ундириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппаратида **Ёш оилаларга ажратилган уй-жойлар билан ишлаш бўйича назорат гурухи** (кейинги ўринларда – назорат гурухи) ташкил этилади;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг барча худудий **кенгашлари** (кейинги ўринларда – худудий кенгашлар)нинг ссуда ва фоизларнинг белгиланган муддатларда қайтарилиши бўйича фаолияти **назорат гурухи томонидан мувофиқлаштирилади**;

худудий кенгашлар ссуда ва фоизларни шартномада белгиланган муддатда **қайтармаган ёш оилаларга бир иш куни ичида** Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг худудий бошқармалари билан биргалиқда **шартнома асосида тўловларни** амалга ошириш юзасидан муддат белгилаган ҳолда, **нотариус орқали ёзма билдиришнома** (кейинги ўринларда – ёзма билдиришнома) юборади;

ёш оилалар томонидан ёзма билдиришнома талаблари бажарилмаган тақдирда, ҳудудий кенгашлар икки иш куни ичида муддати ўтган қарздорлик бўйича ижро хати ёзиб беришни сўраб нотариусга мурожаат қиласди;

нотариус томонидан бир иш куни ичида ижро хати ёзиб берилади ва Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмасига тақдим этилади;

Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмаси белгиланган тартибда муддати ўтган қарздорликни ундириш чораларини кўради.

7. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги:

бир ой муддатда назорат гурухининг иш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ёш оилаларнинг ссуда ва фоизлар бўйича муддати ўтган қарздорлигини ундириш чораларини кўришда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқига доимий равишда амалий кўмаклашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “27” августдаги 521-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан уй-жой
шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган ёш оила сифатида ҳисобга қўйилган
ва тавсиянома берилган ёш оиласар учун 2019–2020 йилларда
курилган ёшлар уйлари
РЎЙХАТИ**

T/p	Худуд номи	Ёш оиласар учун 2019 йилда курилган уй-жойлар сони (қолдиқ қисми)		Ёш оиласарга уй-жой берилиши лозим бўлган ва 2020 йилда давлат дастури доирасида бериладиган уйлар сони
		Уй-жойлар (квартиralар) сони	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ажратиладиган бошланғич бадалнинг жами суммаси (млн сўм)	
1	Қорақалпоғистон Республикаси	8	80,6	33
2	Андижон вилояти	25	1 216,3	–
3	Бухоро вилояти	–	–	31
4	Жиззах вилояти	52	2 491,3	–
5	Қашқадарё вилояти	–	–	51
6	Навоий вилояти	–	–	42
7	Наманган вилояти	–	–	12
8	Сирдарё вилояти	22	277,6	86
9	Тошкент вилояти	–	–	60
10	Фарғона вилояти	98	5 225,8	12
11	Хоразм вилояти	84	3 664,5	29
12	Тошкент шаҳри	269	17 029,3	–
Жами		558	29 985,4	356

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “27” августдаги 521-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 8 сентябрдаги 250-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КХТ, 2014 й., 37-сон, 468-модда):

а) 1-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Қайд этилсинки, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари беришнинг қуидаги шартлари белгиланади:

а) давлат дастурларида 2019 йилда қурилиши белгиланган уйлар бўйича:

шахарларда кўп квартирали арzon уй-жойлар қуриш ва реконструкция килиш учун – 3 йиллик имтиёзли давр ва дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида 20 йил муддатга берилади, бунда дастлабки бадал квартира қийматининг 25 фоизини ташкил этади;

қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш ва реконструкция килиш учун – 3 йиллик имтиёзли давр ва дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида 15 йил муддатга берилади, бунда дастлабки бадал қуидагича миқдорни ташкил этади:

икки, уч қаватли кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйлар ва 2, 3 хонали бир қаватли уйлар учун – 10 фоиз;

икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар учун – 25 фоиз;

б) 2020 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган давлат дастурлари доирасида шахарларда ва қишлоқ жойларда бир йиллик имтиёзли давр билан ҳамда дастлабки 5 йил давомида ҳар йили фоиз ставкаси қатъий белгиланган 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача бир меъёрда ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасида 20 йил муддатга берилади, бунда квартиранинг дастлабки бадали:

шахарларда – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ-3350-сон қарори билан тасдиқланган квартираларни ёш оилаларга, эскирган уйларда яшовчиларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган бошқа тоифадаги фуқароларга сотиш шартларига мувофиқ;

қишлоқ жойларда – сотиб олинадиган квартира қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади”;

б) қарорга 1-иловада:

3-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Қайд этилсинки, мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оиласарга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари беришнинг қуидаги шартлари белгиланади:

а) давлат дастурларида 2019 йилда қурилиши белгиланган уйлар бўйича:

шаҳарларда кўп квартирали арzon уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш учун – 3 йиллик имтиёзли давр ва дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида 20 йил муддатга берилади, бунда дастлабки бадал квартира қийматининг 25 фоизини ташкил этади;

қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш учун – 3 йиллик имтиёзли давр ва дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида 15 йил муддатга берилади, бунда дастлабки бадал қуидаги миқдорни ташкил этади:

икки, уч қаватли кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйлар ва 2, 3 хонали бир қаватли уйлар учун – 10 фоиз;

икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар учун – 25 фоиз;

б) 2020 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган давлат дастурлари доирасида шаҳарларда ва қишлоқ жойларда бир йиллик имтиёзли давр билан ҳамда дастлабки 5 йил давомида ҳар йили фоиз ставкаси қатъий белгиланган 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача бир меъёрда ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасида 20 йил муддатга берилади, бунда квартиранинг дастлабки бадали:

шаҳарларда – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ-3350-сон қарори билан тасдиқланган квартираларни ёш оиласарга, эскирган уйларда яшовчиларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтоҷ бўлган бошқа тоифадаги фуқароларга сотиш шартларига мувофиқ;

қишлоқ жойларда – сотиб олинадиган квартира қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Ёш оиласарнинг квартира сотиб олиш тўғрисидаги мурожаатлари ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схемага биноан қўриб чиқилади”;

12-бандга қуидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

“Бунда Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгashi ҳар йили давлат дастурларида мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оиласар учун белгиланадиган уй-жойлар сонидан келиб чиққан ҳолда, ёш оилани уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтоҷ сифатида ҳисобга қўяди”;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оиласарни уй-жой билан таъминлашда кўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 23 сентябрдаги 753-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2017 й., 39-сон, 1045-модда):

а) 2-банддаги “2018 – 2021 йилларда” сўзлари “2018 – 2020 йилларда” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Қайд этилсинки, дастурлар доирасида узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари (кейинги ўринларда ипотека кредити деб аталади) беришнинг қуидаги шартлари белгиланган:

а) 2018 – 2019 йилларга мўлжалланган давлат дастурлари доирасида:

шаҳарларда кўп квартирали арzon уй-жойлар куриш ва реконструкция қилиш учун – 3 йиллик имтиёзли давр ва дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида 20 йил муддатга берилади, бунда дастлабки бадал квартира қийматининг 25 фоизини ташкил этади;

қишлоқ жойларда янгилланган намунавий лойиҳалар бўйича арzon уй-жойлар куриш ва реконструкция қилиш учун – 3 йиллик имтиёзли давр ва дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдоридаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида 15 йил муддатга берилади, бунда дастлабки бадал қуидагича миқдорни ташкил этади:

икки, уч қаватли кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйлар ва 2, 3 хонали бир қаватли уйлар учун - 10 фоиз;

икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар учун - 25 фоиз;

б) 2020 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган давлат дастурлари доирасида шаҳарларда ва қишлоқ жойларда бир йиллик имтиёзли давр билан ҳамда дастлабки 5 йил давомида ҳар йили фоиз ставкаси қатъий белгиланган 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси даражасигача бир меъёрда ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасида 20 йил муддатга берилади, бунда квартиранинг дастлабки бадали:

шаҳарларда – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ-3350-сон қарори билан тасдиқланган квартиralарни ёш оиласарга, эскирган уйларда яшовчilarга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги фуқароларга сотиш шартларига мувофиқ;

қишлоқ жойларда – сотиб олинадиган квартира қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади”;

в) 4-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Белгилаб қўйилсинки, 2020 йилдан бошлаб қуриладиган уй-жойлар учун ипотека кредитлари бўйича дастлабки бадаллар ва фоиз тўловлари “Ёшлар” уйлари бўйича Республика комиссиясининг тавсияномасига асосан ипотека кредитининг бутун даври давомида ёш оиласарнинг ўз маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилади”;

г) 5 ва 6-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) илованинг рус тилидаги матни қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“ПАРАМЕТРЫ

строительства в 2018-2020 годах жилья для особо отличившихся молодых семей, активно участвующих в общественной жизни страны

№	Наименование региона	Всего кол-во жилья (ед.)*	В том числе:			2018 год			2019 год			2020 год		
			типовые дома в сельской местности	квартиры в много-квартирных домах в сельской местности	квартиры в много-квартирных домах в городах	всего	типовые дома в сельской местности	квартиры в много-квартирных домах в городах	всего	типовые дома в сельской местности	квартиры в много-квартирных домах в сельской местности	всего	квартиры в много-квартирных домах в сельской местности	квартиры в много-квартирных домах в городах
ВСЕГО:		4960	1316	331	3313	2149	658	1491	2149	658	1491	662	331	331
1.	Республика Каракалпакстан	244	102	26	116	96	51	45	96	51	45	52	26	26
2.	Андижанская область	328	50	13	265	151	25	126	151	25	126	26	13	13
3.	Бухарская область	354	68	17	269	160	34	126	160	34	126	34	17	17
4.	Джизакская область	252	56	14	182	112	28	84	112	28	84	28	14	14
5.	Кашкадарьинская область	390	140	35	215	160	70	90	160	70	90	70	35	35
6.	Навоийская область	348	120	30	198	144	60	84	144	60	84	60	30	30
7.	Наманганская область	150	44	11	95	64	22	42	64	22	42	22	11	11
8.	Самаркандская область	390	140	35	215	160	70	90	160	70	90	70	35	35
9.	Сурхандарьинская область	301	88	22	191	128	44	84	128	44	84	45	22	23
10.	Сырдарьинская область	225	90	23	112	90	45	45	90	45	45	45	23	22
11.	Ташкентская область	450	132	33	285	192	66	126	192	66	126	66	33	33
12.	Ферганская область	444	184	46	214	176	92	84	176	92	84	92	46	46
13.	Хорезмская область	244	102	26	116	96	51	45	96	51	45	52	26	26
14.	г. Ташкент	840	0	0	840	420		420	420		420			

*) Количество жилья подлежит уточнению в зависимости от заявок Союза молодежи Узбекистана”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оиласарни уй-жой билан таъминлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 11 сентябрдаги 760-сон қарорида:

2-бандининг биринчи хатбошидаги “2116” рақами “1264” рақами билан алмаштирилсин;

3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

